

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2014 йилнинг февраль-март ойларида мудатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мубайнида Қуроли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2014 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий ҳавфсизлик кенгашининг Котиби В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 20 декабрь.

## Ҳуқуқий дарсхона

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқроқ майдонда муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин вазифини ўтамоқда. Бу улуғ манба тенглик, эркинлик, биродарлик, миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг буюк умуминсоний гунаҳар ҳамда умумбашарий эзгу тамойилларни қамраб олганлиги билан ҳам қадрлидир.

## МАҒКУРАМИЗ ҚОМУСИ

Президентимиз таъкидлаганидек: “Конституцияимизнинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон эришган унтуқларга, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрланмасак арзийди”.

Бош Қомусимизнинг асосини ривожлантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилни ўз ичига олган “Ўзбек модели” ташкил этади. Бу тамойиллар – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислотчи вазифини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва ислотларни босқичмас-босқич, тадрижий амалга оширишдан иборат. Бир сўз билан айтганда,

Конституция барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ислотларнинг тўғри тамал тоши, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асосидир.

Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти, мафқураси билан чамбарчас боғлиқдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва мафқуранинг юксалишига, азиз

(Давоми 2-бетда).

## Маънавият

### САЛОМ – БИРЛАМЧИ ЗИЙНАТ

Ўқувчилик йилларим эди. Мактабдан қайтсам, ҳовлимиздаги супада онам чой ичиб ўтирган эканлар. Нур ёйилиб турган чехралари ва маъноли нигоҳларига кўзим тушди-ю, шошиб, довдираб “Сомалейкум”, дедим.

– Ваалайкум асалом, қани, бери келчи, болажоним. Вой, ўзимнинг асал болам, шакар болам. Саломингга бу гал алик олдим. Кейинги гал эса... Катталарга қўлингни кўксингга қўйиб “Ассалому алайкум” дея салом беришни ўрган, чирогим, – дея тан-

бех бердилар. Онамларнинг айтишларича “сом” сўзи “ўлик” маъносини англатиб “сомалейкум” сизга ўлим тилаймандегани экан. Шу-шу бўлди-ю, онамнинг ўша танбеҳи қулоғимга кўрғошиндек қўлиб қолди. Ҳар гал ўзимдан

## Мардлар қўриқлайди Ватанни

### ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ БУГУН ИЗЗАТДА

Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир олий танк қўмондонлик билим юрти билан ҳамкорликда уюштирилди, коллеж ўқувчилари, олий танк муҳандислик билим юрти ўқувчилари ва курсантлари иштирок этди.

Чирчиқ саноат касб-хунар коллежида ҳам “Ватан остонадан бошланади” мавзусида шундай тадбир ўтказилди. Унда шаҳар маънавият тарғибот маркази ходимлари ва офицерлари иштирок этишди.

Сайёра ЭШМАТОВА, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



## 2014 йил – Соғлом бола йили

Остонада турган 2014 йил “Соғлом бола йили” деб номланган боис вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

### КЕЛАЖАК ОМИЛИ

Малака ошираётган шаҳар, туманларнинг мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчилари учун соҳа мутахассислари иштирокида “Президентимизнинг “Амалга ошираётган ислотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир” маърузасида белгиланган вази-фалар ва умумтаълим мактабларида бошланғич таълимнинг самардорлигини ошириш” мавзусида ўтказилган семинар-тренинг тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. “Бошланғич синфларда инновацион технологиялардан фойдаланиш”, “Замоनावий муаллим қиёфаси” мавзуларида маърузалар тингланди.

– Бошланғич таълим ўрта ва олий таълимнинг пойдевори эканини унутмаслигимиз керак, – дейди вилоят ПҚКТМО институти проректори, педагогика фанлари номзоди Нилуфар Йўлдошева. – Боланинг нафақат билими, балки жисмоний шаклланишининг асосий даври мактабга илк қадам қўйганидан бошланади. Бу пойдеворнинг мустаҳкамлигини юқори малакали, юксак касб маҳоратига эга ўқитувчилар, педагог кадрлар таъминлайди...

Сайёра ИКРОМОВА.

катталарга салом берганимда онамнинг насиҳатлари қулоқларим остида жаранглаётгандек туюлаверади...

Бугунги кунда айрим ёшларимиз миллий урф-одатларимизга мутлақо ярашмайдиган турли саломлаш шикоятларини “кашф” этишмоқда. Афтидан, улар хоржий мамлакатлардан андоза олишга ўтган кўринадди.

(Давоми 4-бетда).

## ТИББИЙ ХИЗМАТ: АМАЛИЁТ ВА САМАРА

### Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини оширишга оид қарорлари мазкур йўналишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоятимизда ҳам ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, оналар ва болалар саломатлигини тиббий муассасалар моддий-техник базасини мус-

таҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири ва Тошкент тиббиёт академиясининг малакали мутахассислари иштирокида вилоятда ташкил этилаётган саломатлик ҳафталиклари аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, чекка қишлоқлар аҳолиси, кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш имконини бермоқда.

Болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш чора-тадбирлари кучайтирилмоқда. Бу ишлар доирасида олти ойликдан беш ёшгача бўлган 239 минг 669 нафар болага витамин А сеп-лементацияси ўтказилди. Ҳомилдор аёлларга поли-витами тарқатилди.

Обод турмуш йилининг ўтган даврида 664 минг 718 нафар туғиш ёшидаги аёл чуқурлаштирилган, ҳомилдор аёлларнинг барчаси скрининг текши-рувидан ўтказилган. Қўриқлар давомида касаллиги аниқланган аёллар ҳо-риги кунда ўз саломатлигини тиклаган.

Бундай кенг қўламли ишлар самарасида хотин-қизлар ўртасида ҳар хил экстрагенитал касалликлар, оналар ўлими, ногирон болалар туғилиши кескин камайишига эришилди. Масалан, вилоятда 6-15 ёшли болалар ўртасида юқори нафас йўллари-нинг вирусли инфекцияси, пневмония, сколиоз каби касалликлар билан касал-ланган аввалги йилларга нисбатан сезиларли дара-жада камайган.

Обод турмуш йилида вилоят болалар кўп тар-моқли тиббиёт маркази ка-питал таъмирланиб, замо-навий таълим ва даволаш ускуналари билан жиҳоз-ланди. Оҳангарон, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманлари

тиббиёт бирлашмалари тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминланди. Туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохоналари рақамли рентген аппаратларига эга бўлди.

– Президентимиз 2014 йилни – Соғлом бола йили, деб эълон қилар экан, соғлом болани вояга етказиш-да соғлиқни сақлаш тиз-мининг ўрни ва таъсири катта эканини алоҳида таъ-кидлади, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқар-маси бошлиғи ўринбосари Юлдуз Эшонова. – Бу, биз, тиббиёт ходимлари масъу-لياتини ошириб, аҳоли са-ломатлигини таъминлаш ишида янада фаол бўлиш-га ундайди.

Айни вақтда вилоятдаги тиббий муассасаларда дав-латимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинган-нинг 21 йиллигига бағи-шланган тантанали маро-симдаги маърузаси маз-мун-моҳияти кенг ўрганил-моқда.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

## ПАЛАГИ ТОЗА АВЛОД

Зангиота туманидаги Чувалачи қишлоқи Нодир Бойму-ҳаммедов маҳалласида 15 мингга яқин аҳоли бўлиб, 1650 нафари туғиш ёшидаги аёллар. 14 ёшгача бўлган болалар 1536 нафар. Уларнинг дардларига даво истаб, бошида пар-

вона бўлаётган жонқуярлардан бири ҚВП мудири, умумий амалиёт шифокори Зулфия Ҳақимованинг 22 йиллик фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. У иккинчи да-ражали “Соғлом авлод учун” ордени нишондори.



– Инсон саломатлиги йўлида хиз-мат кўрсатишдек хайрли, шу билан бирга шарафли касбини танлаганим-дан бахтиёрман, – дейди у. – Ма-ҳалламиздаги соғлом, кўзлари чак-наб турган болаларни, уларнинг оналарини кўрганда яйраб кетаман. Лекин, маълум сабаблар билан хас-талikka чалинган оналару болаларга қараб туриб янада масъулият билан ишлаш кераклигини ҳис этаман. Ахир оналар ва болалар соғлиғи учун жа-вобгарлик аввало бизнинг зиммамиз-да. Агар ҳар бир хонадонда тиббий маданият акс этиб турмаса, бизнинг меҳнатларимиз зое кетди дегани. Демак, келаётган Соғлом бола йи-лида ҳар томонлама соғлом оила, соғ-лом она, соғлом бола учун курашиш ҳар биримизнинг асосий мақсадимиз, бурчимиз бўлиши керак.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Тошкент давлат аграр университети-да вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўми-таси, Тошкент ҳарбий округи ҳамкорли-гида “Ватанга хизмат – муқаддас бурч” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

## МУҚАДДАС БУРЧ

Республика Маънавият тарғибот мар-кази вилоят бўлими, вилоят ёзувчилар уош-маси вакиллари, Қибрай тумани маҳалла фаоллари, фарзандлари ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ота-оналар, универси-тет талаба-ёшлари, академик лицей ўқув-чилари иштирок этган тадбир республика Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 22 йиллигига бағишланиб, халқимизда, айниқса ёшларда ҳарбийлик касбига ҳур-мат тўйғусини кучайтириш, уларни юрт тинчлиги, Ватан раванки, халқ фаровон-лиги йўлидаги эзгу ишларга янада руҳ-лантириш, “Миллий армия – таянчимиз, фахримиз” мавзусида ёшларга ҳарбий со-ҳадаги ислотларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш мақсадида уюштирилди.

Унда таъкидланганидек, 2014 йилнинг 16 январигача республикамизнинг барча маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларида Ватан ҳимоячилари кунини энг улуғ байрамлардан бири сифа-тида юқори савияда ўтказилади. Ҳарбий қисмларда академик лицей ва касб-хунар коллежи талабалари, мактаб ўқувчилари учун “Очқоқ эшиклар кунини” ҳамда алоҳида ҳурматга сазовор, давлат мукофотлари ни-шондорлари бўлган ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар ташкил этилади. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Саида РАҲМОНОВА.

Вилоятимизда Янги йил байрами ва “Президент арчаси” тадбирларига тайёр-гарлик ишлари қиз-гин давом этмоқда. Барча шаҳар ва ту-манларда байрам тантаналари ўткази-ладиган жойларни безатиш, маданий дастурлар уюшти-риш, хавфсизликни таъминлаш чорала-ри кўрилмоқда.

## ЯНГИ ЙИЛГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Янги йил байрами тад-бирларини тинч ва осой-ишта, кўнглидагидек ўтказиш, хусусан, жамо-ат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнги хавфсизлигини таъмин-лаш, пиротехника воси-талари кириб келиши-нинг олдини олиш бар-чага, айниқса, тегишли ҳуқуқ-тартибот идорала-ри вакиллари зиммаси-га катта масъулият юк-лайди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси катта ин-спектори Шерали Анва-ровнинг айтишича, хавф-сизликни таъминлашга қаратилган тезкор про-филактик ишлар кучайти-рилган. Жойларда ҳо-кимликлар, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли-нинг ҳушёрлигини оши-риш бўйича учрашув ва давра сўхбатлари ўткази-лмоқда. Таълим муас-сасалари, маҳаллаларда пиротехника воситалари-дан фойдаланиш билан боғлиқ аянчли оқибатлар хусусида тушунтириш ишлари олиб борилмоқ-да.

“Президент арчаси” тадбирига вилоятдаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат-лар тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқув-чисини йўқотган оилалар, шунингдек, Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъмин-лаш йўлида халок бўлган осойишталигимиз пос-бонларининг фарзандла-ри ва бошқалар тақдиф этилади.

ЎЗА.

Доимий комиссияларда

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Ютуқ ва қувончларга бой 2013 йил ортада қолмоқда. Ёруғ ниятлар, улкан мақсадлар билан 2014 йилни қутуб олаёғимиз...



Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия Олий Мажлисининг юқори палатаси қонунлари ижроси бўйича қатъий депутатлик назорати ўрнатди.

Қишлоқ мулкдорлари

МАҚСАДИ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, БУНЁДКОРЛИК

Тожинисо илгари жиддийроқ ўйлаб кўрмаган экан. 2013 йилнинг ёзида республика Олий Мажлиси Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган грант талловига қатнашиб, ғолиб чиққач, шодлигини ичига сиғдирилмай: "Ким эдим у ким бўлдим?" дегандай, орда қолган умр сўқмоқларига қайта назар ташлагиси келди.



Аслида, Тожинисо фермер бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. У туманда биринчи аёл ўқитувчилардан бўлган буюиси Қундузхон аяга ҳавас қилиб, муаллимлик касбини танлаган.

ташқил этиладиган турли танлов ва кўргазмаларга тахлиф эта бошлашди. "Ташаббус" ҳамда "Қўли гулдир ўзбек аёли" кўрик-танловларида мунтазам қатнашиб, фахрли унвонларга эга бўлди.

Шу оёйишта кунларнинг бирида Тожинисонинг турмуш ўртоғи Мухаммадҷон Эшматов тендерда қатнашиб, 18 гектар ер ютиб олган, "Мухаммадҷон само лочини" оилавий фермер хўжалигига асос солинди.

Иш фаолиятини 2009 йилдан бошлаган "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги бугун Бўка туманининг намунали хўжалиқларидан бири. 150 гектар экин майдонининг 4 гектариди мевали боғ барпо этилган.

Ташаббус ҳеч қачон эл назаридан четда қолмайди. Тожинисони туманда

Самад Йўлдош. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йил якуналарига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.



ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

мидаги фаолияти мониторинг қилинди. Йиғилишда доимий комиссиянинг фаолиятида мазкур даврда ижобий ўзгаришлар қайд этилгани айтиб ўтилди.

эришилган ютуқлар билан бирга ҳали қилиниши зарур бўлган ишларга алоҳида урғу берилди. 2014 йилда комиссиянинг фаолиятини янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар киритилди.

засида кўрсатиб берилган вазифалар ҳамда Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга оид қарорлари ижросини таъминлашда депутатларнинг фаоллигини ошириш зарурлиги бўйича фикр-мулоҳазалар алмашинди.

Давра суҳбати

АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши "Фаол аёллар" қаноти аъзоларининг ижтимоий нуфузини ошириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида Бекобод туманида "Жамиятнинг демократлаштиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш" мавзисида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар оилада хотин-қизларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятларини самарали фойдаланишга оид муҳим фикрларни билдирдилар.



Давра суҳбати якунида кўча жамоатчилиқ қабулхонаси ташкил этилди. Унда Бекобод туманидаги хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ечимини ўрганиш ва уларга амалий кўмак бериш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЯПОНИЯГА ЙЎЛ ОЛДИ

Паркент туманидаги "Ҳамкор" корхонасида ишлаб чиқарилаётган вино маҳсулотлари Японияга экспорт қилинмоқда.

Шу муносабат билан Токиода табиий вино навларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирга таширф буюрганлар ўзбек маҳсулотларига қизиқиш билдириш билан бирга юртимиз тарихи, маданияти ва санъат салоҳияти ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларини беришди.

Замин заргари

МЕҲНАТИ ҲАЛОЛ, ТУРМУШИ ЧИРОЙЛИ

Инсонга ҳамиша меҳнат ярашиқли бўлиб келган. Далада меҳнат қилаётган ёшларнинг шижоатига қизиқиб, уларни суҳбатга чорлаймиз. "Жамиятда 75 киши ишлайди. Ҳар би-

римиз ўз вазирамизни вақтида бажаримиз, турмушимиз фаровон, кайфиятимиз чоғ", дейди кўп тармоқли "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги иш юритувчиси Саидрахим Қоробоев.

рашиш бахтига муяссар бўлганман. Сиз кўриб турган бу машина Президентимиздан совға. Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб шунини айтсалар керакда.

Йиғим-терим ва бошқа мавсумий ишлар тугаган бўлсада, деҳқон учун ҳамини ямшоқ топилади.

Иш фаолиятини 2009 йилдан бошлаган "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги бугун Бўка туманининг намунали хўжалиқларидан бири. 150 гектар экин майдонининг 4 гектариди мевали боғ барпо этилган.

— Ўз вақтида бажарилган агротехник тадбирлар туфайли ҳосил мўл, даромад салмоқли, — дейди хўжалик раиси Саидислом Сайдуллаев. — "Деҳқоннинг қўлидан ер ва нон-

нинг иси келади", дердилар отам. Буни амалда ҳис қилаёғимиз.

— Саидислом ака, сунбуланнинг туққанини сув билади дейишади...

— Рост айтасиз. Давлатимиз раҳбари билан мана шу ўз қўлларимиз билан яратган боғларимда уч-

Ҳуқуқий дарсхона

МАФКУРАМИЗ ҚОМУСИ

юртимизни жаҳоннинг маънавият бешигига айланишига улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқ маънавий-маърифий тарбияга миллат ўзлигининг негизи, мезони деб қаралди.

фат нуктасида туташади. Тўғри, иқтисодий ислохотлар жамият ривожига муҳим масала саналади. Халқ фаровонлиги йўлида қайғуриш борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо маънавий ислохотлар, тобелик, лоқайдлик исқандар жасидан озод бўлиш, қадри баланд тутиш, отабоболаримизнинг удувларини тиклаб, уларга муносиб ворис, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш — дунёда бундан ортиқроқ, шарафлироқ вазифа йўқ, албатта.

Истиқлол ва Конституция шарафати билан жамиятимиздаги маданий-мафкуравий иқлим тубдан ўзгарди. Миллатимиз, халқимиз ўзлигини англамоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимиз бу омилланинг барчасини назарда тутиб, Ўзбекистонда таълим тизimini ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббусларга амалда бўлиб келмоқда.

Истиқлол ва Конституция шарафати билан жамиятимиздаги маданий-мафкуравий иқлим тубдан ўзгарди. Миллатимиз, халқимиз ўзлигини англамоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканини изоҳлаб ўтиришнинг ҳождати бўлмаска керак, деб ўйлаймиз.

Конституция ва ҳуқуқий маданият, маънавият ва миллий қадриятлар ҳақида гап борганда, кўҳна заманимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, имон, олижаноблик, барикенглик, мардлик, танглилик каби улуг хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганлини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлик, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига синдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти, истак-хоҳиши, интилишини ўзида яққол акс эттиради.

Президентимизнинг "Шу азиз Ватан — барчамизники", "Ўзбекистон — ягона уйимиз" деган ҳикматли даъватининг маъномоҳияти бугун халқимизнинг, миллатидан қатъи назар, шу юрдада яшаётган барча ўзбекистонликларнинг ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади, том маънода қалб амрига айланди.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт барпо этиш экан, бу ғоя халқимизнинг азали эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун мўқаддас бўлган юксак қадриятларни ўзида мужассам этади. Конституциямиз эса бу борада ҳаётий дастуриламал, йўлигимизни ва қалбимизни ёритган маънавият ҳамда маърифат Қомуסי бўлиб хизмат қилмоқда.

Маърифат — маънавиятга олиб келадиган йўл. Барча ёруғ йўллар маъри-

Алижон ОЧИЛОВ, Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи.

Чирчиқ шаҳар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташқил этиш бўлими ҳамда 9-умумтаълим мактаби барча ҳамкасбларини ҳамда вилоятимиз аҳлини яқинлашиб келаётган Янги — 2014 йил билан самимий қутлайди. Янги йилнинг ҳар бир лаҳзаси барчамизга қувонч ва шодлик ҳада этсин! Мустаҳкам соғлиқ ва омад Сизни тарқ этмасин!



Тақдирлаш маросими

**БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ**

Футбол бўйича аёллар ўртасида анъанавий ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатининг бу йилги...

сида Бекободнинг "METALLURG WOMAN" футбол клуби бронза медални соҳиби бўлди.



Жамоа ташкил этилганига бир йил бўлганига қарамай, биринчи чемпионатнинг ўзида 42 очко тўплаб, учинчи ўринни қўлга киритди. Бунинг учун бош мураббий Шера...

рали Бобокулов бор маҳорат ва тажрибасини ишга солди. Жамоа қизлари рақиб дугоналари дарвозасига 34 тўп киритишди, 13 та тўп ўтказиб юборишди. Бу – ало на...



деди мураббий Ш. Бобокулов. Қизларимиз футбол билан кўп шуғулланишмаган, тажрибачилари ҳам ҳаминқадар. Шунга қарамай, секин-секин...

бизга катта ишонч билдиришди. Уйланманки, ишонччи оқляпмиз. Бу бошланиши, холос. Аёллар ўртасидаги навбатдаги чемпионат 2014 йилнинг апрель ойида...

Маънавият

**САЛОМ – БИРЛАМЧИ ЗИЙНАТ**

Яқинда иш юзасидан бир неча коллеж ва мактабларда бўлди. Айрим ёшларимизнинг "Ассалоуму алайкум" сўзини турли йўсинда...

Сигирлар сизгирга кўзини сузса. Ха, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бу сатрлари билан...

Бугунги ёмон иллатлардан бири "татиуровка" бўлиб қолди. Яқинда бир тўйда аёл хонанда даврага чиқиб, кўшк айтиди. Қарасам, оппоқ билаларига галати суратлар туширилган экан.

Бугунги ёмон иллатлардан бири "татиуровка" бўлиб қолди. Яқинда бир тўйда аёл хонанда даврага чиқиб, кўшк айтиди. Қарасам, оппоқ билаларига галати суратлар туширилган экан.

Буқалар буқа деб илгани зусса. Бу қандай томоша, бу қандай уйин, (Давоми. Боши 1-бетда).



Рассом хандаси Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Алифбе байрами

Вилоят туман ва шаҳарлари мактабларида биринчи синф ўқувчиларининг ўтган вақт давомида олган билимларини синовдан ўтказиш, жамоат жойларида ўзларини тутиш кўникмасини шакллантириш мақсадида "Саводхонлик муборак" деб номланган байрам ўтказилди.

**САВОДХОНЛИК МУБОРАК**



Шундай маросимлардан бири Янгийўл туманидаги 62-умумтаълим мактабиде ташкил этилди. Маросим аввалида юртимизда ёшларнинг ўқиш-йиланишлари, бой интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари учун имкониятлар етарли экани, бундай тадбирлар уларнинг келгусидаги саъй-ҳаракатларида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мактабнинг 1-"Д", ва 1-"У" синф ўқувчилари олган билимларини бадий чиқишлари орқали намойиш этиб, йилгиланганлари хушнуд қилишди. Ваган, хурлик, садоқат мавзуларидаги шеър, кўшк ва саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди...

Наргиза КАРИМОВА, бошланғич синф ўқитувчиси.

Жиноятга жазо муқаррар

Кеча нафси йўлида ҳеч қандай жирканчликдан қайтмаган, разолатга ботган кимсадан бугун яхшилиқ чиқмасайки бор гап. Билмай хато қилган кимса ўша адашган кўчасига қайтиб кирмайди. Тавба-тазарру қилиб, қолган умрини одамларга яхшилиқ қилишга қаратади.

**ОХИРИ БАДНОМ БЎЛГАН ЧОЛЛАР**

Асли тожикistonлик Сиждоудин Ятимов 63 ёшда, Акромушо Султонов 65 ёшда, Хаким Акромов 57 ёшини қоралаган. Уларни гиёҳванд моддалар савдоси билан таниди. Ёши бир жойга бориб қолган бу қарияларга шундай жирканч иш билан шуғулланиш нимага керак бўлиб қолди? Албатта, ношўрлик ва ўрганган кўнглининг ўртаниб қўйганидир. Уларнинг ёшида фарзанду набиралар даврасида дуоно жонини қилиб ўтириш, борида шукр қилиб, йўғига сабр билан ёшларга ибрат бўлиш керак эмасми? Йўқ, улар бундан кўра жараҳ-жараҳ пил, мўмай даромадни маъқул қўришди.

Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда ТВББ Контрабандага қарши курашиш бўлими тежкор ходимлари тежкор тадбир ўтказишга тайин эди. У. Фоибов бошқарувидаги давлат рақами 10 1 447 НА бўлган "Нексия" русумли автомобиль ҳамда унда бораётган йўловчилардан қўздан кечирилганда, А. Султоновнинг безовталиги тежкор ходимларда шубҳа уйғотди. Бу беҳиз эмас эди. Унинг ёнидан полиэтилен пакетга ўралган, сақчимсимон модда топилди. Экспертиза хулосасига кўра у олиб кетаётган нархадан 1850,3 грамм афган гиёҳвандлик моддаси экани маълум бўлди.



**ТАРИХДА ЭНГ ДАҲШАТЛИ ПЎРТАНА**

Канаданинг шарқий қисмида юз берган кучли пўртана бир қатор вилоятларга муздай ёмғирни бошлаб келди. РИА "Новости" агентлиги Associated Press агентлиги маълумотига таяниб хабар беришича, табиий офат оқибатида 400 мингдан зиёд киши чироксиз қолди. Жумладан, Онтарио, Квебек ва Нью-Брунсуик вилоятларида электр симлари муз билан қопланди ва электр таъминотида узилиш юз берди.

Канададаги бир неча аэропортларда қатор рейслар бекор қилинди. Торонто шаҳри мэри ушбу пўртана шаҳар тарихидаги энг даҳшатлиси, дея баҳолди. Уни 1998 йилдаги пўртанага тенглаштирмақдалар. Ушундан табиий офат 20 кишининг умрига зомин бўлган, 3 миллионга яқин аҳоли чироксиз қолди.



Исроилнинг Бат-Ям шаҳрига келиб тўхтаган автобусдан ҳамма йўловчилар эвакуация қилинган, портлаш юз берди. NEWSru Israel агентлигининг хабар беришича, портлаш натижасида фақат бир полиция ходими енгилгина жароҳатланди. Полиция матбуот хизмати хабарига қараганда, автобус салонида қолдириб кетилган сумка хайдовчининг диққатини тортди. У зудлик билан йўловчиларни автобусдан тушириб, полицияга хабар қилган. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида қолдириб кетилган сумка хайдовчининг диққатини тортди. У зудлик билан йўловчиларни автобусдан тушириб, полицияга хабар қилган.

рининг ёзишича эса, сумкадан қандайдир симлар чиқиб тургани одамларни зийрак торттирган. Полициянинг айтишича, нима бўлганда ҳам навбатдаги теракtnинг олди олинди. Энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари таҳмин қилинаётган террорчини қидиришга тушдилар.



ИТАР-ТАСС Sana агентлиги хабарига таяниб ёзишича, кучли портлаш натижасида 20 киши ҳалок бўлди, уларнинг аксарияти болалар, унлаб одамлар жароҳатланди. Суриянинг жанубида кўҳна черков миномётдан ўсқа тугилди. Черков шаҳар ўртасида бўлгани боис саккиз киши бевақт ўлим топди. Шу жумладан, уч нора-

**ЖАНГАРИЛАР МАКТАБГА ҲУЖУМ ҚИЛИШДИ**

Суриядаги шиалар яшайдиган Ум-Амед шаҳарчасида террорчи-комекдазе миналаштирилган автомобилни мактаб бинолари мажмуига йўналтирди. ИТАР-ТАСС Sana агентлиги хабарига таяниб ёзишича, кучли портлаш натижасида 20 киши ҳалок бўлди, уларнинг аксарияти болалар, унлаб одамлар жароҳатланди. Суриянинг жанубида кўҳна черков миномётдан ўсқа тугилди. Черков шаҳар ўртасида бўлгани боис саккиз киши бевақт ўлим топди. Шу жумладан, уч нора-

сида бола ҳам нобуд бўлди. Учта снаряд портлатилган маъмурий бинода ҳам тўрт киши қурбон бўлди. Сурия ҳарбий хизматчилари Дамашқ шаҳри атрофларида ўтказган жанговар операция чоғида қотиллар тўдаси йўқ қилинди. Улар таркибида ўнлаб Саудия, Йордания ва Миср фуқароларидан иборат ёлланма

Кизил Хоч жамияти ҳароба қулбалар остида ўнлаб одамлар қолиб кетган бўлиши мумкин дея хавотирда. Ушбу туманда темир йўл ёқаси бўйлаб қўллаб камбағал фуқаролар лой, шохшаба ва тунуқа бўлақларидан ўзларига бошпана ясаб яшашади. Поезд ҳалокати оқибати-

сида бола ҳам нобуд бўлди. Учта снаряд портлатилган маъмурий бинода ҳам тўрт киши қурбон бўлди. Сурия ҳарбий хизматчилари Дамашқ шаҳри атрофларида ўтказган жанговар операция чоғида қотиллар тўдаси йўқ қилинди. Улар таркибида ўнлаб Саудия, Йордания ва Миср фуқароларидан иборат ёлланма

**НЕФТГА БОЙ ШТАТЛАР ИСЁНЧИЛАР ҚЎЛИДА**

Жанубий Судан ҳукумати исёнчилар нефтга бой бўлган Юнионни штатини ўз назоратларида сақлаб турганини тан олди, деб ёзади EFE агентлиги Жанубий Суданнинг Хардумбург элчиси Майан Дотнинг сўзларига таяниб. Дипломатининг гапига қараганда, Жанубий Судан ҳукумати душманлари ҳам Жонлиги штатини ўз қўлида ушлаб турибди. Ушбу штат "Интерфакс"нинг тақиқлашчи, мамлакатдаги энг йирик штат ҳисобланади. Яқинда ушбу штатда АҚШнинг бу ерга ўз фуқарола-

рини эвакуация қилиш учун келган ҳарбий самолётларини ўққа тугишди. Дот айтидики, ҳукуматга ҳайрихоҳ қўшинлар қақшатиқ тўқнашувлардан сўнг ушбу ҳудудни эгаллашга муваффақ бўлган.

Жанубий Судан армиясидаги этник гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар 16 декабрда бошланди. Бир қисм ҳарбийлар мамлакат президентини ёқлашмоқда. Бошқа қисми эса собиқ вице-президент Риек Мачар тарафдор. Ўнлаб муҳолифатчи сиёсатчилар, жумладан бир неча собиқ вазирлар қамқода сақланмоқда. Ҳукумат истеъфога чиққан июль ойидан бўён Жанубий Суданда сиёсий таназул давом этмоқда.

**ПОЕЗД ҲАРОБ ҚУЛБАЛАР УСТИГА ҚУЛАДИ**

Кения пойтахти Найроби шаҳрида юк поезди изидан чиқиб кетди. Бутун таркиб йўл ёқасидаги камбағалларнинг ҳароб қулбалари устига қулади. да қурбонлар бор-йўқлиги, шунингдек, авариянинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай

Жанубий Судан армиясидаги этник гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар 16 декабрда бошланди. Бир қисм ҳарбийлар мамлакат президентини ёқлашмоқда. Бошқа қисми эса собиқ вице-президент Риек Мачар тарафдор. Ўнлаб муҳолифатчи сиёсатчилар, жумладан бир неча собиқ вазирлар қамқода сақланмоқда. Ҳукумат истеъфога чиққан июль ойидан бўён Жанубий Суданда сиёсий таназул давом этмоқда.

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

Кеч соатларда 19 ёшли Ф. Назар ва В. Эргаш маишатни зўр қилиб, Туркистон кўчасида ўтган-кетганларга тегажақлик қилишарди. Улар ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери эвазига кун кечириб ўрнига ўзгаларнинг мол-мулкига осон йўл билан эгаллик қилишни афзал кўрдилар ва чорража атрофида турган икки йилгитга яқинлашиб, ҳеч қандай сабабсиз жанжал чиқаришга уриндилар. Маст бўлган бу икки йилгит ўзини гўёки, тоғни толқон қилгудек тутиб, уларнинг муросасига қулқол солмадилар. Асли ниёти бошқа икки ошна А. Махмуд ва Г. Анорбойни уриб, тепа бошлашди. Қутилмаган зарбалар натижасида А. Махмуд ерга йиқилди, ўртоғи босқинчилардан баъзў қочиб қолди. Ф. Назар ва В. Эргаш йиқилганни роса дўпқослаб, оғир тан жароҳати етказиб, А. Махмуд тегишли "Нокиа-1202" русумли мобил телефони олиб,

қилган кимса ўша адашган кўчасига қайтиб кирмайди. Тавба-тазарру қилиб, қолган умрини одамларга яхшилиқ қилишга қаратади.

Уртоғининг ҳолидан хабар олишга қайтиб келган Г. Анорбой уни уйига олиб борди, бироқ арталаб ошнанининг соғлиги ёмонлашгани боис шифохонга етказди. Ф. Назар ва В. Эргаш учун ушбу ҳолат гўё "ҳамирдан қил суғургандай" осон кечсада, қингир ишнинг охири волиғини кеч тушунишди. Халқимизда касални даволагандан кўра, олдин олган афзал деган нақл бор. Шу маънода, юз берган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятни юзага келтирган сабабларни ўрганиш, оқибатларини баргафаш этиш жамият тараққияти йўлида хизмат қилаётган ҳар бир соҳа вақилининг вази-раси бўлмоғи лозим. Зеро, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва халқимиз хо-тиржамлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчидир.

Table with columns: Маънавийлик, Бош муҳаррир (Убайдулла АБДУШОҲИДОВ), Убайдулла АБДУШОҲИДОВ, Шавкат МУЗАФФАР чизган расм, Рассом хандаси, Тошкент Ҳақиқати, Ташкентская Правда, Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги, Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru, Кабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс), Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08, Шарптома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59, Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10, Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс), 233-12-83, 233-48-08, 233-56-03, 233-65-59, 233-54-10, Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган, Газета «Тошкент Ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА, Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ, Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ